

ISSN: 2545-0573

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Бозаров Элёр Бобоқулович

*Қариш давлат университети ўқитувчиси***ARTICLE INFO.****Калит сўзлар:**

Зиёрат туризми, зиёрат туризми салоҳияти, мувофиқлаштириш, зиёрат марказлари, аълокадорлик, чора-тадбирлар.

Аннотация

Мақолада республикамиз ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантиришнинг аҳамияти, унинг ҳуқуқий-молиявий манбасини шакллантириш ва зиёрат туризми ресурслари асосий масала қилиб олинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) томонидан “Саёҳат ва сайёҳлик саноатининг иқтисодий натижалари” бўйича ўтказилган тадқиқотларда республикамиз сайёҳлик соҳаси жадал тараққий топаётган беш давлатнинг бири сифатида қайд этилгани республикамизда ушбу соҳа қай даражада ривожланаётганини яққол кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, туризм нафақат иқтисодий ривожланиш ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, юрт фаровонлиги ва тараққиёти юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар 30 нафар сайёҳ мамлакат туризми соҳасида битта, унга турдош тизимларда эса иккита янги иш ўрнини яратишга туртки беради.

Туризм соҳасидаги хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, давлатда туризм ресурслари қайси йўналишни ривожлантиришга имконият берса ўша йўналишни ривожлантиришга эътибор қаратиш самаралидир. Мисол учун, Швецария ва Канада ҳудудлари экологик-рекреацион туризми, Италия гастрономик туризми ривожлантириш учун бор эътиборини қаратади. Шу ва бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, бизни ҳудудларимизда тарихий-маданий туризм билан биргаликда зиёрат туризмини ривожига аҳамият қаратиш самаралидир.

Зиёрат туризми - диний туризмнинг бир тури бўлиб, турли динлар вакилларининг зиёрат мақсадларида қилган саёҳатлари йиғиндисиди бўлиб, зиёратни одамларнинг муқаддас жойларга сажда қилишлари деб биламиз. **Диний туризм** - туризмнинг мустақил тури, унинг бошқа турлар каби ўзига хос навлари мавжуд: зиёрат туризми ва экскурсия ва таълим йўналишидаги диний туризм.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Зиёрат бу – ўтган авлиёлар орқали Қодир Тангрига мурожаат қилиш, онги ва руҳини тинчлантириш, муқаддаслик ҳақиқатини англаш, ёлғизлик ва покланиш йўлидан ўтиш.

Марказий Осиёда буни Зиёрат деб аташади, бу муқаддас жойларга ташриф буюришни англади.

Ўзбекистон ҳар доим кўплаб маданиятлар ва цивилизацияларнинг кесишиш маркази бўлиб келган, бу ерда турли динлар тарғиб қилинган, шунинг учун ҳам ислом, ҳам буддизм ва христиан динларига тегишли ноёб ёдгорликлар сақланиб қолган.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Мамлакатимиз олимларидан Х.М.Маматқулов, И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев ва бошқалар илмий ишлари ва дарсликларидида зиёрат туризми, унинг юртимиздаги салоҳияти ўрганилган ва ёритиб берилган.

Таҳлил ва натижалар. Бутун дунё бўйича зиёрат туризмини кўлами ва ташриф нуқталарини ўрганиш, қуйидагиларни асосий масканлар сифатида белгилаб, бир қатор олимларнинг ишларига асосланиб, зиёратнинг қуйидаги макроминтақаларини ажратиш мумкин:

- дунёнинг православ мамлакатлари: Россия, Украина, Беларус, Молдова, Грузия, Греция, Болгария, Руминия ва бошқалар;
- католиклик ва протестантизм ҳукмронлиги, кўп сонли оқимлари билан хорижий Европанинг аксарияти;
- Христианлик ҳукмрон мавқега эга Шимолий Америка (СА);
- Христианлик ва маҳаллий аҳолининг анъанавий халқ эътиқодлари устун бўлган Лотин Америкаси;
- Ислом дини устунлик қиладиган Шимолий Африка;
- Ислом дини устунлик қиладиган, насронийлик ва анъанавий халқ эътиқодлари марказлари мавжуд бўлган Шарқий ва қисман Ғарбий Африка;
- Ислом дини ҳукмрон бўлган Ғарбий Осиё ва насронийлик ва иудаизм анклавлари;
- Ҳиндуизм, буддизм ва ислом ёйилган Жанубий Осиё, шунингдек, христианлик, сикхизм ва жайнизм марказлари;
- Буддизм, ислом, насронийлик ва ҳиндуизм анклавлари мавжудлиги устунлик қиладиган Жануби-Шарқий Осиё;
- Буддизм, конфутсийлик, синтоизм ҳукмрон бўлган Шарқий Осиё, христианлик ва ислом худудлари;
- Ислом ҳукмрон бўлган Марказий Осиё;
- Буддизм устунлик қилган Марказий Осиё.

Экскурсия ва маърифий йўналишдаги диний туризм туристлар диний объектларни - фаол диний ёдгорликларни, музейларни кўришлари, ибодат маросимларида қатнашишлари, диний маросимларда, медитацияларда ва бошқа диний тадбирларда қатнашишлари мумкин бўлган диний марказларга ташриф буюришни ўз ичига олади. Туризмнинг бу тури диний йўналишдаги илмий туризм билан чамбарчас боғлиқдир. Олимлар мавжуд динлар марказлари, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатлар ва минтақаларга ташриф буюришади.

Бундай саёҳатлар кўп эмас, лекин улар туристик саёҳатлар географиясини кенгайтиради. Олимларни диний мерос - қўлёзмалар, турли диний ашёлар, замонавий ва ўтган динларнинг меъморий шакллари ва бошқа кўп нарсалар қизиқтиради. Тадқиқотчилар мавжуд динлар

марказларига, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатлар ва минтақаларга юборилади. Фарбда ва Россияда Шарқ мамлакатлари - Хитой, Ҳиндистон, Японияга қизиқиш бор. Йўқолган динларнинг жойлари - Миср, Месопотамия, Греция, Италия ва Марказий Америкада зиёрат қилинади.

Туристик салоҳиятни (тур салоҳиятини) ҳисобга олиш катта куч талаб қилади. Туристик потенциал назарияси ўзининг бошланғич босқичида бўлиб, тадқиқотчилар бутунлай бошқача тушунчалар ва нуқтаи назарларни таклиф қилишади. Туризм салоҳияти иккита асосий компонентни ўз ичига олади - шароитлар ва ресурслар. Диний туризмга келсак, шунга айтишимиз мумкинки, шарт-шароитлар туризмнинг ушбу турини қулай ривожлантириш учун имконият ва шартлардир. Шароитларнинг қуйидаги таркиби берилиши мумкин: табиат, тарих, аҳоли, маданият, иқтисодиёт ва сиёсат. Ҳар бир шарт тур ва навларга бўлинади. Шароитлар туризмнинг ривожланишини ҳам, туристларнинг муайян жойда қолиш (яшаш) хусусиятларини ҳам белгилайди.

Юртимизда зиёрат туризмни ривож Қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бетакрор маданияти ва анъаналари, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этиб келаётган мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган сай-ҳаракатларга ҳам боғлиқлиги ортиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида соҳани тартибга солиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Таъкидлаш керакки, “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори соҳада туб бурилиш ясашига, тараққиётда янги саҳифалар очилишига хизмат қилмоқда. “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2021-йил 9-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Президент томонидан 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида:

- а) Зиёрат туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилиши;
- б) Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбон яратилиши;
- в) қадимий ипак қоғози хомашё захирасини шакллантириш манбаи сифатида Имом Бухорий мажмуаси атрофида тут плантацияси ва Самарқанд ипак қоғозини ишлаб чиқариш бўйича «Ипакчилик шаҳарчаси» туристик мажмуасини ташкил этилиши таъминланиши;

қуйидагилар бўйича концепциялар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади:

- а) «Имом Бухорий» зиёрат туризми йўлдош телеканали ташкил этиш ва уни ривожлантириш;
- б) Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасини зиёрат марказига айлантириш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлса, 2021-йил 9-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ташриф буюрувчилар учун шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган туризм салоҳияти юқори бўлган маданий мерос объектлари рўйхати тақдим этилди.

Т/р	Объект номи	Манзили
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	“Абдулло Норинжий” зиёратгоҳи	Элликқалъа тумани, “Ифтихор” МФЙ
2.	“Шайх Жалил бобо” зиёратгоҳи	Қораўзак тумани, “Куйбоқ” ҚФЙ
3.	“Ҳаким ота” зиёратгоҳи	Мўйноқ тумани, “Ҳаким ота” ҚФЙ
4.	“Кечирмас ота” зиёратгоҳи	Элликқалъа тумани, “Гулдирсин” ҚФЙ
Андижон вилояти		
5.	“Биби сешанба” зиёратгоҳи	Кўрғонтепа тумани, “Жаннатбулоқ” МФЙ
6.	“Асомиддин Мирпўстин ота” зиёратгоҳи	Андижон шаҳри, Мирпўстин кўчаси
7.	“Бурхониддин Қилич” қадамжоси “Учбулоқ” зиёратгоҳи	Балиқчи тумани, “Янги кўл” маҳалласи
8.	“Ширмонбулоқ” зиёратгоҳи	Булоқбоши тумани, “Ширмонбулоқ” МФЙ
Бухоро вилояти		
9.	“Ҳожа Махмуд Анжир Фоғнавий” зиёратгоҳи	Вобкент тумани, Анжирбоғ қишлоғи
Жиззах вилояти		
10.	“Саъад ибн Абу Ваққос” мажмуаси	Ғаллаорол тумани, “Авлиё” ҚФЙ
11.	“Хўжамушкент” мажмуаси	Янгибод тумани, Хўжамушкент қишлоғи
Қашқадарё вилояти		
12.	“Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ” мажмуаси	Қарши шаҳри, “Гулшан” МФЙ
13.	“Дорус-Саодат” мажмуаси	Шаҳрисабз тумани, Ҳовуз Мардон кўчаси
14.	“Дорут-Тиловат” мажмуаси	Шаҳрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси
15.	“Ҳазрати Башир” зиёратгоҳи	Китоб тумани, “Башир” МФЙ
Навоий вилояти		
16.	“Қосим Шайх” мажмуаси	Кармана тумани, “Хўжа Хисрав” МФЙ
17.	“Мавлоно Ориф Дегароний” зиёратгоҳи	Кармана тумани, “Дегарон” МФЙ
Наманган вилояти		
18.	“Чур-чур момо” зиёратгоҳи	Поп тумани, Чодак қишлоғи
Самарқанд вилояти		
19.	“Шоҳи-Зинда” мажмуаси	Самарқанд шаҳри, Шоҳи-Зинда кўчаси, 39-уй
20.	“Хўжа Дониёр” мақбараси	Самарқанд шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 7а-уй
21.	“Амир Темур” мақбараси	Самарқанд шаҳри, Оқ Сарой кўчаси, 1-уй
22.	“Хўжа Ахрор Вали” мажмуаси	Самарқанд тумани, “Хўжа Ахрор Вали-2” МФЙ
23.	“Ҳазрати-Хизр” масжиди	Самарқанд шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 66-уй
24.	“Ҳазрати Довуд ғори” зиёратгоҳи	Нарпай тумани, “Оқсой” МФЙ
25.	“Махдуми Аъзам” мажмуаси	Оқдарё тумани, “Бодоржой” МФЙ
26.	“Ал-Доромий” мақбараси	Тайлоқ тумани, “Янги Тайлоқ” МФЙ
27.	“Гавсули Аъзам” зиёратгоҳи	Ургут тумани, “Этти уйли” МФЙ
28.	“Руҳобод” мақбараси	Самарқанд шаҳри, Оқсарой кўчаси, 1-уй
Сурхондарё вилояти		
29.	“Имом Абу Исо Муҳаммад Ат Термизий” мажмуаси	Шеробод тумани, “Чўмичли” МФЙ
30.	“Ал-Ҳаким Ат-Термизий” мажмуаси	Термиз тумани “Ал-Ҳаким ат-Термизий” МФЙ

31.	“Хўжамайхона” мажмуаси	Бойсун тумани, “Темир дарвоза” МФЙ
32.	“Сўфи Оллоёр” мажмуаси	Олтинсой тумани, “Вахшивар-1” МФЙ
33.	“Хўжаипок ота” мажмуаси	Бойсун тумани, “Хўжаипок” МФЙ
34.	“Султон Саодат” мажмуаси	Термиз шаҳри, “Намуна” МФЙ
Тошкент вилояти		
35.	“Хазрат Али бува” зиёратгоҳи	Паркент тумани, Кумушкон қишлоғи
36.	“Қирқкиз” зиёратгоҳи	Пискент тумани, “Қул ота” МФЙ
37.	“Имом Султон” зиёратгоҳи	Янгийўл тумани, Ниёзбоши қишлоғи
Фарғона вилояти		
38.	“Хазрат Хизр қадамжолари” зиёратгоҳи	Риштон тумани, “Бўстон” МФЙ
39.	“Йигит пирим” зиёратгоҳи	Учкўприк тумани, “Олмурад” маҳалласи
40.	“Саткак азизлар” зиёратгоҳи	Фарғона тумани, “Саткак” МФЙ
41.	“Пури Сиддик” зиёратгоҳи	Марғилон шаҳри, “Юрмадоз” МФЙ
42.	“Бурхониддин Марғиноний ёдгорлиги” мажмуаси	Марғилон шаҳри, “Пичоқчи” МФЙ
43.	“Мўйи Муборак” зиёратгоҳи	Кўкон шаҳри, “Нурафшон” МФЙ, “Сармазор” қабристон
44.	“Хувайдо” зиёратгоҳи	Фарғона тумани, “Чимён” МФЙ
Хоразм вилояти		
45.	“Уч авлиё бобо” зиёратгоҳи	Хива шаҳри, Тошпулатов кўчаси, 4-уй
46.	“Саид Мухаммад Моҳи руйи Жаҳон” мажмуаси	Хива шаҳри, Амир Темур кўчаси, 84-уй
Тошкент шаҳри		
47.	“Сузук ота” мажмуаси	Шайхонтоҳур тумани, Сузук ота кўчаси, 48-уй
48.	“Шайх Хованди Тохур” зиёратгоҳи	Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй
49.	“Сўгалли ота” зиёратгоҳи	Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси
50.	“Абдулқосим” мадрасаси	Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Манба: Lex.uz - Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 24-февралдаги 100-сон қарорига 1-илова.

Хулоса таклифлар. Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудида бошқа динлар сингари ислом маданияти ва унинг сўфийлик оқимига оид кўплаб муқаддас жойлар мавжуд. Энг қимматбаҳо ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари сифатида тан олинган. Шунингдек, Ўзбекистонда 10 дан ортиқ муқаддас ва эъзозланган насроний ва мусулмон жойлари, Буддавийлик зиёратгоҳлари мавжуд.

Ҳозирги замонгача, Ўзбекистон ҳудудида насронийлар ҳам, мусулмонлар ҳам ҳурмат қиладиган "Лова булоқлари" мавжуд бўлиб, уларнинг энг машҳури Бухорода жойлашган.

1968 йилда қадимги Термиз ҳудудида Будда ҳайкали топилган ва ўша вақтдан бери бу ер кўпгина археологлар томонидан ўрганиладиган асосий объектга айланди. Кейинчалик энг қадимги будда ибодатхоналари мажмуалари очилди: Фаёзтепа (мил. ав. 1-аср – милодий 3-аср), Кампиртепа, Қоратепа. Қадимги мусиқачиларнинг тасвири билан машҳур Айритом фризининг элементлари топилиши бу минтақа ҳудудида буддизм тарғиб қилинганлиги ва эллинистик маданият элементлари ошкор бўлганлигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва мавжуд ресурслар соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўлами қанчалар кенг эканлигини бевосита намоён эътибор беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 9-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.
2. 24.02.2021 йилдаги 100-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
3. Маматкулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. Т.:Ўзбекистон файласуфлар жамияти нашриёти.
4. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм, Дарслик.
5. Lex.uz
6. Norma.uz
7. uzbekistan-geneva.ch
8. hozir.org